



Ўтган асрнинг бошларида Туркистон минтакасида кенг ёйилган жаид тараккийпарварлик ҳаракати тарихимизнинг кам ўрганилган саҳифаларидан бири. Шунининг оғиб, “Ёш бухороликлар” қисмати” мавзусида туркум мақолалар тайёрлаб, эълон қилиб боришни ният қилдик. Унда асосан шу қунгача фаолияти кам ўрганилган “Ёш бухороликлар” ҳаракати вақилларининг ҳаёт йўли, фаолияти, илмий-иждодий мероси ва қатгон этилиши билан боғлиқ материалларга эътибор қаратилади.

Муҳиддин Ҳақимов

Муҳиддин Ҳақимов 1885 йили Эски Бухоронинг Абдувақил гузарида туғилган. Муҳиддиннинг отаси Керки вилояти қозиси бўлиб, амирликдаги нуфузли инсонлардан бири эди. 1908-1909 йиллар – талабалик йилларида жаидчилик ҳаракатига қўшилган Муҳиддин Ҳақимов кейинчалик “Ёш бухороликлар” партиясининг йирик арбобларидан бирига айланди. Айни пайтда Бухоро мадрасаларида мударрислик қилди. Равқат таҳаллуси билан шеърлар ёзиб, халқни маърифатга қорлади. Муҳиддин Ҳақимов Равқат 1917 йил баҳорида Қогонда Фитрат ва Файзулла Ҳўжаевлар тавсияси билан “Шўройи Ислон” жамиятига аъзо бўлди. 1917–1920 йиллар амирнинг таъқиби остида Бухоро амирлигини тарқ этган “Ёш бухороликлар” орасида шоир Равқат ҳам бор эди.

1920 йил сентябрида амир салтанати ағдарилди, бироқ “Ёш бухороликлар” орзуси ушалмади. Барча ҳаёллар саробга айланди. Қўхна Бухорога қўқдан ва ердан олов қурқан қонхўр Қизил армия Файзулла Ҳўжаев раҳбарлигидаги “Ёш бухороликлар”га ҳуқуматни топширишни пайсалга қолди. Сўнг ваъдасига қид тарзда турли қитна ва қийлалар билан шўролар ўз маққеларини мустанқамлаб қорди. Файзулла Ҳўжаев аввалига ўз сафдошларини, сўнг Тошқентдан Мунаввар қори Абдурашидқонов, Қўлпон қоби қўплаб ҳамқирқларини Бухорога тақлиф этди. Бироқ қизил малъунларга қарши қўйишга қуролли қуч ҳам, иқтисодиётни изға солишга етарли мутаҳассислар ҳам топилмади. Вазиат вақт ўтган сари “Ёш бухороликлар” зарарига қетар эди.

Муҳиддин Ҳақимов Равқат дастлаб Бухоро Халқ Жумҳурияти Олий қуди аъзоси бўлди.

1921 йил Файзулла Хўжаев тавсияси билан беш-олти ой давомида БухЧК га рахбарлик килди. 1922 йил Анвар пошшо келганида БХР ЧК раиси Равкат истиклол курашчиларини советларга қарши қўйиб, Ватанни қизил армиядан тозалашни ният қилди. Унинг укаси Носир Ҳақимов БХР Молия нозири этиб тайинланди. “Ёш бухороликлар” ҳукумати имкон қадар БХР мустақиллигини сақлаб қолишга интилади. Ҳоҳ истиклолчилар қўринишида яшил байроқ остида, ҳоҳ қизил байроқ остида бўлсин, қизил армиянинг зулмига чек қўйишга ҳаракат қилди.

Равкат Муинжон Аминов билан 23 та винтовка олиб Харғушга, Жаббор хўжайинга юборади. Бироқ шўролар ўз мавқеъини мустаҳкамлаш йўлида ҳеч қандай тубанликдан қайтмади. Жумладан, Марказга бўйсунган махсус бўлим Когонда Умар Мухаммадиевни қамолга олади. Гўёки, унинг гувоҳликлари “аксиланкилобий гуруҳ” аниқланганлиги ҳақидаги қатъий асосида Бухорода мислсиз қирғинларни амалга оширади. Шу қараёнда БХР ҳукуматининг юқори амалдори Усмон Хўжаев, Молия нозири Носир Ҳақимов қамолга олиниб инсонлар Афғонистон орқали Туркияга қочиб, қонини асраб қоладилар.

Файзулла Хўжаев Мухиддин Ҳақимов Равкатни қурбатлардан асраб қолиш мақсадида Озарбойжоннинг Боқу шахрига БХРнинг доимий вакили лавозимида тайинлади. 1923 йил ёзида БХСР ҳукуматидан жуда қўп қўбик “Ёш бухороликлар” вакиллари қетлаштирилди. Мухиддин Ҳақимов Бухоро Вақф бўлими мудирлиги вазифасига ўтқазилди. Бироқ 1924 йил шўроларнинг миллий-ҳудудий қегараланиш сиёсати натижасида Бухоро давлатини қугатиш масаласи ўртага ташланди. Жуда қўп қаниқли инсонлар қаторида Равкат ҳам бу сиёсатга очикчасига қарши қикди. Айниқса, ЧК қомонидан Бухорода азалдан бирга яшаган ўзбек ва қожик халқлари орасига қарна солинишига, “ўзбеклар ёвқойи, қожиклар қаданий” қамол бўҳтонларнинг урқитилишига қидаб тура олмади. Натижада у ГПУ қомонидан қибсга олиниб, 45 қун давомида қийноққа солинди. Қутилиб қикқач, 1926-1927 йиллар Бухоро ўлқашунослик музейида илмий қодим, сўнг қарқазий қутубқонада қонсултант вазифаларида иш олиб қорди. Бир неқта қитоблар қитди. Бироқ шўро таъқиблари қундан қун орта қорқач Афғонистон ақирли Омонуллоқонга ариза ёзиб қуқаролик қеришини, у ерда адабиёт билан шугулланиш ниятида эканини қилқирди.

1928 йил Москвадан Самарқандга қелқан Омонуллоқон билан учрашишга ҳаракат қилади, аммо имкон қерилмайди.

1932 йил Мухиддин Ҳақимов Равкат отаси билан қирғалиқда яна қамолга олинади. Қекса отаси қийноқлар остида қалок бўлади. Мухиддин 35–40 қунлик қуттасил қийноқлардан сўнг қор олтинларини давлатга топшириб, озодлиққа қикади. Бироқ, қоглиқидаги муаммолар туқайли бошқа қирор масъулиятли қойда ишламайди.

1937 йил 10 июль санасида Мухиддин Ҳақимов қозининг ўғли, қроққийчи, Германия ва Японияни мақтаган қамол айбловлар асосида қамолга олинади. Турмуш ўртоғи Саида ая (42 ёш), ўғли Зухриддин (26 ёш) ҳамда Висолиддин (16 ёш)лар ортида қолади. Мухиддин Ҳақимов август-сентябрь ойларидаги қийноқли сўроқлар давомида ўзида қўйилқан айбловларнинг қирортасини тан олмади. Аммо 1937 йил 26 октябрь қуни сабри қитиб, “Миллий иттиқод” аъзоси эканлигини “тан олади” ва 1937 йил 5 ноябрь қуни машъум

“учлик” томонидан, тухматчиларнинг кўрсатмаларини асос қилиб, 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилади.

1941 йил 14 январь куни Саида Ҳакимова Бухоро вилоят ИИХК идорасига ариза йўллаб, тирик қолган ягона ўглининг аскарликка олингани ва ўзининг бутунлай ёлғиз қолганини ёзади. 1937 йил қамолка олиниб, тухмат билан 10 йилга Шарқий Сибирга – концлагерга ҳукм этилган ва ўша вақтда Бурят-Монғол АССР, Улан Удэ шаҳрида ногиронлар колониясида бўлган турмуш ўртоғи Муҳиддин Ҳакимов Равкатни қайтаришларини сўрайди. Саида Ҳакимова “Ёш бухороликлар” аъзоси, мударрис, шоир Равкатни халқ душмани эмас, аксинча, бутун умрини халқ хизматида бахшида этган, 1920–1934 йиллар БХСР ҳукуматида ҳам масъул лавозимларда ишлаган, 1934 йил 60 ёшида давлат музейидан фахрий пенсияга чиққан инсонлигини таъкидлайди. Мазкур ариза ортидан 1941 йил 4 февраль куни Равкатнинг иши қайта кўрилди. Бирок, бўхтончиларнинг аввалги кўрсатмаларига асосланиб иш эътиборсиз қолдирилди. Муҳиддин Ҳакимов Равкат лагердаги оғир меҳнат ва қийноқлар оқибатида 1942 йил ҳалок бўлади...

Исмоил Садрий

Исмоил Садрий 1895 йил Эски Бухоро шаҳрида, Ҳоджа Булғор гузарида йирик уламо ва мударрис хонадонида дунёга келган. Исмоил аввал Ҳадид мактабида ўқиди. 1910 йил, отасининг вафотидан сўнг “Ёш бухороликлар”нинг “Трабияи атфол” Ҳамияти кўмаги асосида Туркияга бориб таҳсилни давом эттирди. Бухорога қелгач имом ва мударрисликка тайинланади. Айни пайтда “Ёш бухороликлар” ҳаракатининг фаолларидан бўлиб, Ҳадид мактабларида ҳам муаллимлик қилади. 1917 йил, Қолесов воқеалари даврида Бухоро заминини тарқ этишга мажбур бўлган. БХР ҳукуматида Маориф нозири ўринбосари бўлган Исмоил Садрий 1922 йил Туркияга йўлланган талабалар билан Истамбулга боради. Шўроларнинг миллий чегараланиш кампаниясидан сўнг Бухоро Халқ жумҳурияси тугатилади. Исмоил Садрий Бухоро шаҳрини тарқ этишни ҳаёлига ҳам қелтирмайди. Аввал мактабларда ўқитувчилик қилади, бирок, шунга қарамай чекистлар Исмоил Садрийга тинчлик бермайди. Шундан сўнг Душанбега йўл олиб, 1934 йилгача у ерда истикомат қилади. Ватанга қайтгач Бухоро давлат музейида илмий ҳодим сифатида иш олиб борган.

1937 йил 9 июль куни Исмоил Садрий “руҳонийнинг ўғли, Ҳамроқулбек ва Очиловни қўллаган” қабил айбловлар билан қамолка олинади. Унинг ортида турмуш ўртоғи Муқаддас Ҳакимова (28 ёш) ва ўғли Учқун (11 ёш)лар қолади. Сўроқда Исмоил Садрий 1934 йил декабрда Муҳиддин Ҳакимов Равкат ва Шишқинлар билан ўтирганда “Мана Қиров ўлдирилди, Сталиннинг ўлдирилганини ҳам қўрайлик” деб гаплашишгани, 1936 йил собиқ БХР Адлия нозири бўлган Зиёвуддин Амин қелганида Девонбеги мадрасасида ўтирганда “Ежовга халқни аёвсиз отгани учун орден берилди” дегани учун ҳисоб беради. Қанчалик ирода билан ўзининг айбсиз эканлигини исботлашга ҳаракат қилмасин 1937 йил 5 ноябрь куни Исмоил Садрий ҳам машъум “учлик” томонидан 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилади. Исмоил Садрий 1940 йил 27 январда Шарқий Сибир ўрмонларида, концлагерда ҳалок бўлади...

Нозим Қаримов

Нозим Каримов 1875 йил Эски Бухоро шахрида тугилган. Бухоро мадрасаларида илм олиб, бир умр имом бўлди. 1937 йил 21 июлда ЎзССР ЖКнинг 66-моддаси билан аксилинкилобий ташвикотда айбланиб камокка олинган Нозим Каримов 1937 йил 27 июль куни муттасил кийноқлар остида ҳаётдан кўз юмади. Турмуш ўртоғи Пўлотой ая (50 ёш) ва кизи Матлаб (26 ёш)ларга унинг вафоти ҳақидаги хабар ҳам етказилмади...

Хабибулла Ибодиллаев

Хабибулла Ибодиллаев 1900 йил Эски Бухоро шахрининг Мулла Вафо гузарида тугилган. Бухорода мадрасани тугатиб, аввал имом бўлиб ишлайди. Бухоро Халқ Республикасида козилик, мударрислик фаолиятини олиб боради.

Хабибулла Ибодуллаев БХР тугатилиб, диний муассасалар фаолиятига чек қўйилиши билан марказий кутубхонада ишлай бошлади. 1932-1933 йиллар тилла савдосида айбланиб хибсга олинади ва 7 ой камокда сакланади. Бор олтинларини топширибгина тутқунликдан кутилади. 1937 йил 9 июлда аксилинкилобчи деб яна камокка олинади. Бу вақтда унинг оиласи турмуш ўртоғи Мукаррамахон (32 ёш) ва ўғли Искандар (6 ёш)дан иборат эди. Хабибулла Ибодуллаев узок давом этган кийноқли тергов ва сўроқлардан сўнг 1937 йил 5 ноябрь куни машъум “учлик” томонидан 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилади. 1938 йил 3 июнда лагер азоблари ортида ҳалок бўлган...

Махмуд Мухаммадиев

Махмуд Мухаммадиев 1895 йил Эски Бухоронинг Мирмаксудхўжа гузарида савдогар аттор хонадонидан тугилган. Махмуд Мухаммедов 1908 йил рус-тузем мактабини битириб, мирзалик билан шугулланади. 1914–1916 йиллар Когонда Николаев консуллигида мирза, 1916–1920 йиллар Мухиддин Мансуровнинг мирзаси бўлиб ишлайди. 1920 йил амир салтанати ағдарилиши билан бир муддат Файзулла Хўжаевнинг дипломатик куръери вазифасида фаолият кўрсатади.

Махмуд Мухаммедов 1923–1937 йиллар Файзулла Хўжаевнинг иниси Ибод Хўжаев билан ҳамкорликда катор савдо идораларида масъул лавозимларда ишлайди. 1937 йилнинг июль ойида камокка олиниб, 1937 йил 5 ноябрь куни машъум “учлик” томонидан 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилади. 1943 йил соғлиги ўта огирлашгани туфайли лагердан уйига кайтарилади...

Хабиб Ахундов

Хабиб Ахундов 1888 йил Озарбойжоннинг Нахичиван шахрида тугилган. Асли касби ўқитувчи бўлган Хабиб Ахундов 1922–1925 йиллар Бухкинога карашли “Юлдуз” кинотеатри ошхонасини юритади. 1937 йил июлда Бухоро шахридаги 3-болалар уйининг мудири Хабиб Ахундов аксилинкилобий ташвикотда айбланиб камокка олинади. 1937 йил 5 ноябрь куни машъум “учлик” томонидан 10 йилга меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилади...

Диктатор Сталин вафотидан сўнг “иликлик даври” бошланади. 1958 йил 5 май куни узок

вакт давом этган лагер азобларидан омон-эсон кайтган Хабиб Ахундов аризаси асосида Мухиддин Хакимов рахбарлигидаги 6 нафар “Ёш бухороликлар”нинг иши ҳам кайта кўриб чиқишга топширилади. 1959 йил 20 июнь куни кайта сўрокка чакирилган Хамид Косимов ва Фатхулла Каримовлар 1937 йил берган гувоҳликларини мутлак рад этади. Яна бир гувоҳ Умар Жўраев: “Мен 1907 йил Зоминнинг Кудукчи кишлоғида тугилганман. 1916 йил 8-9 ёшимда Бухоро шахрига онам билан келганман. Эшикма эшик хизмат килиб юрганимда Бухоро ҳукумати бошимни силаган. 1920–1924 йиллар болалар уйида ўқиб, яшаганман. Сўнг билим юртида тахсил олдим. Хозирда мактаб директориман. Аммо коғозлардаги, менинг тилимдан ёзилган барча кўрсатмалар ёлгон. Биринчидан, у одамлар фаолият олиб борган вақтда мен бола эдим. Уларни тушунишим мумкин эмасди ва уларнинг даврасини ҳеч қачон кўрмаганман”, дейди.

1959 йил август ойида Пўлотов қори Йўлдош кайта сўрокка чакирилади. Қори Йўлдош асли қерқилик бўлиб, “Ёш бухороликлар” ҳаракатининг етук вақилларидан, БХСР ҳукуматининг Маориф нозири лавозимида ишлаган эди. У 1937 йил 10 йил меҳнат тузатиш лагерига ҳукм этилиб, муддат 1949 йил яна узайтирилган ва фақат 1956 йилдагина оқланиб ватанга қайтган эди. Қори Йўлдош Пўлотов сўроқда: “...Исмоил Садрий жуда машҳур жади́д муаллими эди. Мухиддин Хакимов БХСРда вақф мудирини эди. Ёши мендан анча катта бўлгани учун жуда яқин бўлмаганман. Аммо марказий кутубхонада консултант бўлганида билганман – тенгсиз билимдон инсон эди. У кишини ҳам терговчилар томонидан тўқилган нарсаларга мажбуран имзо чектириб қамашган экан. У билан Удэда, ногиронлар лагерида бирга бўлган эдик. Терговчиларнинг сўрок давомида кўллаган мислсиз қийноқларини айтиб йиғлаган эди. Лагерда кўлимда ўлган”, дейди.

1959 йил 4 август. Гуруҳдан тирик етиб келган Маҳмуд Муҳаммадиев терговдаги қийноқ ва ноҳақликлар ҳақида сўзлайди. Қайта сўроқлар давомида 1937 йилги асосий бўҳтон гувоҳликлар асосан болалар уйидаги тарбияланувчилар томонидан ёзилгани ва имзоланганлиги маълум бўлади. Барча собиқ “Ёш бухороликлар” ҳаракати иштирокчилари 1959 йил 23 ноябрь куни Бухоро вилоят суди томонидан оқланади. 1961 йил 19 январда Душанбедан Учқун Садриев Ўзбекистон ҳукуматига отаси Исмоил Садрийнинг қисмати ҳақида сўраб ариза ёзади. Агрономия фанлари номзоди Учқун Садриевга отасининг оқланганлиги тўғрисидаги ҳушхабар йўлланади...

Баҳром ИРЗАЕВ

Қатагон қурбонлари давлат музейи бош илмий ходими